

**Ҳ.М.АБДУЛЛАЕВ НОМИДАГИ ГЕОЛОГИЯ ВА ГЕОФИЗИКА
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.24/30.10.2020.GM.125.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

ФАТХУЛЛАЕВА ЗИЛОЛА МАМИРЖАНОВНА

**АУМИНЗАТАУ-БЕЛТАУ МАЪДАНЛИ МАЙДОНДА ОЛТИН
НАМОЁНЛАРИНИ ГЕОЛОГИК-СТРУКТУРАВИЙ
ПОЗИЦИЯЛАРИНИНГ ШАКЛЛАНИШИДА ГЕОДИНАМИК
ШАРОИТ**

04.00.03 – Геотектоника ва геодинамика. Петрология ва литология

**ГЕОЛОГИЯ-МИНЕРАЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент - 2022

**Геология-минералогия фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по геолого-минералогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on geological sciences**

Фатхуллаева Зилола Мамиржоновна

Ауминзатау-Белтау маъданли майдонда олтин намоёнларини геологик-структуравий позицияларининг шаклланишида геодинамик шароит.....3

Фатхуллаева Зилола Мамиржановна

Геодинамическая обстановка формирования геолого-структурных позиции золоторудных проявлений Ауминзатау-Бельтауского рудного района.....21

Fathullaeva Zilola Mamirjanovna

Geodynamic setting of the formation of the geological and structural position of the gold ore occurrences in the Auminzatau-Beltau ore region.....39

Эълон қилинган илмий ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....42

**Ҳ.М.АБДУЛЛАЕВ НОМИДАГИ ГЕОЛОГИЯ ВА ГЕОФИЗИКА
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.24/30.10.2020.GM.125.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

ФАТХУЛЛАЕВА ЗИЛОЛА МАМИРЖАНОВНА

**АУМИНЗАТАУ-БЕЛТАУ МАЪДАНЛИ МАЙДОНДА ОЛТИН
НАМОЁНЛАРИНИ ГЕОЛОГИК-СТРУКТУРАВИЙ
ПОЗИЦИЯЛАРИНИНГ ШАКЛЛАНИШИДА ГЕОДИНАМИК
ШАРОИТ**

04.00.03 – Геотектоника ва геодинамика. Петрология ва литология

**ГЕОЛОГИЯ-МИНЕРАЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент - 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2021.2.PhD/GM94 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Миллий Университетида бажарилган
Диссертация автореферати учта тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида [www. ingeo.uz](http://www.ingeo.uz) ва «Ziynet» ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Турапов Мирали Камолович**
геология-минералогия фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Ахунджанов Раҳмаджон**
геология-минералогия фанлари доктори

Жўраев Мехрож Нуриллаевич
геология-минералогия фанлари бўйича
фалсафа доктори (PhD)

Етакчи ташкилот: **“Регионалгеология” ДУК**

Диссертация химояси Х.М.Абдуллаев номидаги Геология ва геофизика институти ҳузуридаги DSc. 24/30.10.2020.GM.125.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил “ 17 ” март соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади, (Манзил: 100041, Тошкент шаҳри, Олимлар кўчаси, 64 уй. Тел.: (99871) 241-88-67, факс: (99871) 262-63-81, e-mail: ingeo@exat.uz).

Диссертация билан Геология ва геофизика институтининг Ахборот-ресурслар марказида танишиш мумкин (5 қайд этиш рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100041, Тошкент шаҳри, Олимлар кўчаси, 64 уй. Тел.: (99871) 241-88-67).

Диссертация автореферати 2022 йил «7»март куни тарқатилди.
(2022 йил «7» мартдаги 5 рақамли реестр баённомаси).

А.К. Нурходжаев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
геология-минералогия фанлари доктори

Э.М. Амиров
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, геология-минералогия
фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

У.Д. Мамарозиков
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси,
геология-минералогия фанлари доктори

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблилиги ва зарурати. Жаҳон амалиётидаги ҳозирги замонавий геологик тадқиқотларда минерал - хом ашё базасини кенгайтириш учун конларнинг шаклланиш қонуниятларини ва уларда эндоген маъданлашувларнинг жойлашиш шарт-шароитларини ўрганиш бўйича кўплаб илмий тадқиқот ишларини олиб бориш муҳим аҳамият касб этмоқда. Ривожланган мамлакатларда илмий муаммони ечиш учун эндоген типдаги конларнинг жойлашуви ва шаклланишига таъсир қилувчи структуравий-тектоник, ва геодинамик жараёнларни комплекс таҳлил қилиш янги истиқболли майдонларни аниқлашга илмий асос бўлиб хизмат қилади.

Дунёда олтин ва бошқа турдаги маъданли конларни излаш ва башоратлашда маъданлашувнинг жойлашиш қонуниятларини аниқлаш учун геодинамик, тектонофизик моделлаштириш асосида уларнинг геологик шарт-шароитларини аниқлаш бўйича мақсадли тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Жумладан, маъданли конларнинг шаклланишининг геологик-тектоник ва геодинамик шароитларини, геохимёвий ва геофизик майдон аномалиялари билан солиштириш орқали геологик қидирув ишлари олиб бориш бўйича илмий ёндошувлар истиқболли майдонларни излаш ва қидириш самарадорлигини ошириб, уларнинг маъдандорлигини баҳолашга алоҳида эътибор берилмоқда.

Мамлакатимизда башорат қилиш ва излаш ишларини олиб боришни янада самарали амалга оширишга имкон берувчи конларнинг геологик-структуравий позициясини ўрганишга алоҳида эътибор қаратилаётган бўлиб, бу борада муайян ютуқларга эришилмоқда, жумладан Марказий Қизилқум ва Чотқол-Қурама регионларида конларининг захираларини ортишига эришилган. Ўзбекистон Республикасининг ҳаракатлар стратегияси бўйича “Жадал ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳоли турмуш даражасини ва реал даромадини ошириш, алоҳида регионларнинг табиий ва минерал-хом ашё потенциалидан комплекс тарзда ва самарали фойдаланишни таъминлаш”^{*1} бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу борада олтин намоёнларининг геологик-структуравий позицияларининг шаклланишида геодинамик шароитларини аниқлашга йўналтирилган илмий тадқиқотларни амалга ошириш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги фармонида, 2017 йил 24 майдаги ПҚ-3004-сон “Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар кўмитаси тизимида ягона геология хизматини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2018 йил 1 мартдаги ПҚ-3578-сон “Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар кўмитаси фаолиятини тубдан

*1 Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги ПФ-4947-сон Фармони.

такомиллаштириш чора-тадбирлар тўғрисида”ги ва 2019 йил 23 июлдаги ПҚ-4401-сон “Ер қаърини геологик жиҳатдан ўрганишни янада такомиллаштириш ва 2020-2021 йилларда минерал-хомашё базасини ривожлантириш ва қайта тиклаш давлат дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотларнинг республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур диссертация тадқиқотлари республиканинг илм-фан ва технологияларини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари - VIII – “Ер ҳақидаги фанлар” (геология, геофизика, сейсмология ва минерал-хом ашёни қайта ишлаш) талабларига мувофиқ ҳолда бажарилган

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Марказий Осиё бурмаланган камари, маъданли Олтой, Приморье (Россия), Кавказ, Жанубий ва Шимолий Америкадаги эндоген конларининг геологик-структуравий позициялари муаммоси Х.М.Абдуллаев, А.В.Королев, П.А.Шехтман, В.П.Федорчук, Х.А.Акбаров, В.А.Королев, Ю.С.Шихин, Н.А.Никифоров, Р.Р.Исанов, Қ.Л.Бобоев, Н.И.Бородаевский, Ф.И.Вольфсон, В.А.Невский, Е.М.Некрасов, В.А.Нарсеев, Ю.Г.Сафронов, И.П.Лаверов, Б.Ф.Чернишев, Р.Д.Дженчураева, М.М.Константинов, В.А.Нарсеев, П.В.Иванкин, У.А.Асаналиев, С.К.Мустафин, М.У.Умархўжаев, П.Д.Яковлев, Р.Гейне, С.Фриз, У.Петерсон, Д.Стапе ва бошқа олимларнинг илмий тадқиқот ишларида акс эттирилган.

Улар томонидан амалга оширилган тадқиқотлар натижасида олтин, кумуш, қўрғошин, рух, вольфрам, темир, мис, алюминий, қалайи, симоб, сурьма ва бошқа металлларнинг шаклланиш ва жойлашишининг геологик ва структуравий шарт-шароитларини аниқлаш, ҳамда қидирув бегиларини ажратиш ҳисобланади, ушбу илмий ёндошувлар асосида башоратлаш ва излаш-баҳолаш мезонлари ишлаб чиқилган. Натижада маъданли майдонлар ва конларнинг маъдан формацион мансублиги, қамровчи жинслари, маъданни назорат қилувчи структуралари, магматизм билан ўзаро боғлиқлиги асосида, турлари ва тизими ишлаб чиқилган.

Ер пўстида эндоген маъданлашишнинг шаклланиш ва жойлашиш қонуниятларини ўрганишда эришилган ютуқларга қарамай, маъданли майдонлар ва конларининг геологик-структуравий позициясини ўрганиш масаласи, айниқса Марказий Қизилқум региони учун, тўлиқ ҳал этилмасдан қолмоқда.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Минерал ресурслари институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №645 “Марказий Қизилқумни ёпиқ ҳудудларининг олтинга доир истиқболни ва кейинги геология-қидирув ишари йўналишларини аниқлаш” (2003-2005 йй.), №710 “Букантау тоғлари ёпиқ ҳудудларининг олтинга оид истиқболни ва ГҚИларнинг кейинги

йўналишларини аниқлаш” (300м. чуқурликгача) (2005-2008 йй.), №992/2 “Марказий Қизилқумни ёпиқ ҳудудларида эндоген маъданлашишни излаш усулларини такомиллаштириш” (2012-2015 йй.) мавзусидаги амалий лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Ауминзатау-Белтау маъданли майдонида олтин маъданлашиш намоёнларини аниқлаш ва геологик-структуравий позициялар ажратишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

тўпланган геологик материаллар асосида олтин маъданли намоёнларнинг шаклланиш қонуниятларини таҳлил этиш;

структуравий позицияларини аниқлаш ва ўрганиш, уларни турларга ажратиш;

позициянинг шаклланишидаги геологик муҳитни ва узилмали структураларни ўрганиш;

Ауминзатау-Белтау маъданли майдонида олтинни янги намоёнларини излаш мезонларини ишлаб чиқиш;

Тадқиқотнинг объекти сифатида Ауминзатау-Белтау маъдан майдонидаги конлар ва маъдан намоёнлари олинган.

Тадқиқотнинг предмети Ауминзатау-Белтау тоғларидаги геологик ҳосилалар, узилмали структуралар, геофизик майдон қийматлари, олтинли маъданлашишлар ташкил этган.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация ишини бажаришда маъдан ҳосил бўлишининг шаклланиш шароити ва жойлашининг геологик-структуравий таҳлили, экспериментал тектоника, геодинамикани реконструкция қилиш, муайян башоратлаш; геологик ахборот таҳлилинини статистик усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгиликлари қуйидагилардан иборат:

Ауминзатау-Белтау маъдан майдонидаги олтин маъданли намоёнларнинг шаклланиши ер ёриқларининг қулай структуравий позициялар ҳосил қиладиган участкаларда ҳосил бўлиши аниқланган;

ер ёриқларнинг шаклланиши фаол геодинамик режим даври ва маъдан қамровчи жинсларнинг мавжудлиги билан боғлиқ эканлиги асосланган;

маъдан майдонидаги барча олтин намоёнларини назорат қилувчи 7 та қулай геологик-структуравий позициялар ажратилган;

структуравий позицияларнинг шаклланиши ва уларнинг маъданлашуви тектоник фаолликка боғлиқлиги асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

олтин конларини ва намоёнларини назорат қилувчи геологик-структуравий позициялар ажратилган;

маъданли майдонлар ва конлар структуралари ҳамда маъданлашишнинг жойлашиш шарт-шароитлари аниқланган;

олтин маъданлашувига истиқболли участкалар ажратилган ва кейинги босқичдаги геологик излаш-қидириш ишларини олиб бориш учун тавсиялар берилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги региондаги олтин маъданлашишнинг шаклланиш ва жойлашиш қонуниятларини ўрганишларни таҳлил қилиш, геология-қидирув ва геологик тасвирлаш, геофизик, тектонофизик тадқиқотлар материаллари, ажратилган геологик-структуравий позицияларни картографик материаллар ва қидирув – разведка ишлари натижалари билан таққослаш орқали асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти олтин маъданлашувининг шаклланиши ва жойлашишини структуралар, уларнинг кесишмалари, ушбу жараёнларга ёрдам берувчи қулай геологик ҳосилалар мавжуд бўлган участкалари назорат қилиши аниқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти Ауминзатау-Белтау тоғлари учун олтин конларини башорат қилиш ва излашда фойдаланишга тавсия қилинадиган геологик-структуравий мезонларини ишлаб чиқиш ва олтин маъданлашувига истиқболли майдонларни ажратишга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ауминзатау-Белтау тоғларидаги олтин маъданли конларнинг шаклланиш шарт-шароитларини аниқлаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

Ауминзатау-Белтауда ажратилган структуравий позициялар бўйича хулосалар “Регионалгеология” ДУКда амалиётга жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитасининг 2021 йил 27 июлдаги 03/27-сон маълумотномаси). Натижада, ҳудудда геологик-излаш ишларини олиб боришда ва маъданли минераллашиш жойлашишини назорат қилувчи узилмали структураларни аниқлаш имконини берган.

Ауминзатау ва Белтау тоғлари бўйича ишлаб чиқилган излаш-башорат қилиш мезонлари “Регионалгеология” ДУКда амалиётга жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитасининг 2021 йил 27 июлдаги 03/27-сон маълумотномаси). Натижада, ёпиқ ҳудудларда, уларнинг чеккаларида олтинга истиқболли бўлган янги участкаларни ажратиш имконини берган;

Ауминзатау ва Белтау тоғларидаги истиқболли участкаларнинг геологик ва структуравий хусусиятлари тўғрисидаги янги маълумотлар “Регионалгеология” ДУКда амалиётга жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитасининг 2021 йил 27 июлдаги 03/27-сон маълумотномаси). Натижада, Шарқий Ауминзатау ва Бельтауда олтин маъданлашувига истиқболли майдонларни аниқлаш имконини берган.

Тадқиқот натижалари апробацияси. Тадқиқотларнинг асосий натижалари 4 ҳалқаро ва 2 республика конференцияларида муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Тадқиқотлар натижалари 5 та илмий ишларда чоп этилган. Улардан ЎЗР ОАК асосий

илмий натижаларни нашр этиш учун тавсия этган чет эл журналида 1 та ва 4 таси республика журналида чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, олти боб, хулоса ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация ҳажми 118 бетни, шу жумладан 20 та расм ва 4 та жадвал ташкил қилади.

ДИССЕРТАЦИЯНИ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Киришда диссертация ишининг долзарблиги ва зарурлиги асослаб берилди, тадқиқотларнинг мақсад ва вазифалари таърифланади, тадқиқотларнинг ўрганиш объекти ҳамда предмети тавсифланади, республика фан ва технологиясини ривожлантиришнинг устивор йўналишларига мувофиқлиги таъкидлаб ўтилади, олинган натижаларнинг амалий аҳамиятлари, уларни амалиётга жорий қилиниши баён этилади, нашр қилинган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар берилди.

Биринчи боб «Марказий Қизилқумнинг геологик ўрганилиш тарихи» Марказий Қизилқумни ва кўриб чиқилаётган Ауминзатау-Белтау майдонининг геологик ўрганиш тарихида А.К. Бухарин, Т.И. Хайрулин, З.С. Румянцева, Ю.А. Лихачев, З.М. Абдуазимова, К.К. Пятков, И.Х. Ҳамрабаев, М.М. Пуркин, М.Т. Хон, Д.А. Рубанов, Я.Б. Айсанов, Х.Р. Рахматуллаев ва бошқалар томонидан олиб борилган тадқиқотлар алоҳида эътиборга лойиқ. Магматизмни ўрганишга И.Х. Ҳамробоев, Т.Н. Далимов, Т.Ш. Шаякубов, Э.Д. Изох, З.А. Юдалевич, И.В. Мушкин, Ф.К. Диваев ва бошқалар катта ҳисса қўшганлар. И.Х. Ҳамрабаев томонидан регион учун илк бора магматик жинсларнинг генетик хусусиятлари, шунингдек улар билан боғлиқ бўлган маъдан ҳосил бўлиш ҳолатлари ажратилган.

А.К. Бухарин, К.К. Пятков, В.С. Корсаков, Ш.Ш. Сабдюшев, И.А. Пяновская, Б.В. Яскович, В.И. Зонов, Я.Б. Айсановларнинг 1980-1985 йиллар мобайнидаги ишлари билан томеозой ҳосилаларини, шу жумладан вулканоген жинсларни ҳам, тузилиши ва ёши ўрганилган.

80-йилларнинг бошида Ер ривожланишининг мобилистик назарияси асосида Марказий Қизилқум структураларининг шаклланиши бўйича биринчи назарий ишланмалар юзага чиқди. Ш.Ш. Сабдюшев ва Р.Р. Усмановлар структураларни ўргана туриб қуйидаги хулосага келдилар: тектоник элементлар иккита сиалик блоклар орасидаги океаник турдаги пўст билан «эвгеосинклинал ривожланишнинг бостирилиши» натижасида юзага келган.

Иккинчи боб «Марказий Қизилқумнинг геологик тузилиши» Ушбу бобда мавжуд геологик материаллар асосида токэмбрий бўлган даврларнинг қисқача геологик тузилиши (юқори протерозой, рифей-венд), палеозой (ордовик, силур, девон, карбон) ва мезокайнозой терриген-чўкинди ётқизиқлари кўриб чиқилган.

Учинчи боб. «Ауминзатау-Белтау маъдан майдонида олтин маъданлашувларнинг шаклланиш ва жойлашиш қонуниятлари»^{*2} Олтин маъданлашувларнинг шаклланиш ва жойлашиш қонуниятларини ўрганиш, уларни геологик, структуравий-тектоник, минералогик-геокимёвий хусусиятлари масалалари, олтин конлари бўйича ўз вақтида кўплаб тадқиқотчилар шуғулланганлар.

И.Х. Ҳамрабаев ва б., Ғарбий Ўзбекистоннинг маъдан-магматик комплекслари қадимий токембрий кўтарилмаларининг ичида ёки чеккаларида жойлашиши ва муҳитнинг қумли-сланецли таркиби билан боғлиқлигини аниқладилар, Марказий Қизилқум олтин маъданлашувининг чизикли-туғунли тарқалганлиги билан тавсифланади деган хулосага келганлар. Улар қуйидаги омилларни ажратдилар.

Геотектоник омил. Х.Р. Рахматуллаев бўйича Жанубий-Тяньшан металлогеник камар кенг майдоннинг чуқур ёриқлари билан учта: Султон Увайс, Марказий Қизилқум ва Фарғона секторларга бўлинган. Ҳар бир сектор бир-биридан геологик тузилишлари, тектоникаси, магматизми, металлогеник қиёфаси ва эрозион кесилиши билан фарқланади.

Литологик омил. С.Т. Бадалов, Р.П. Бадалова, А.Т. Бендик, В.Г. Гарьковец, Ю.Н. Зверев, Г.В. Касавченко, П.Ф. Проценко, Х.Р. Рахматуллаев, И.Х. Ҳамрабаев ва бошқаларнинг тадқиқот натижаларини умумлаштириш ва таҳлил этиш асосида, Ю.С. Савчук Марказий Қизилқумни маъданли объектлари орасида ёши ва минералогик-геокимёвий хусусиятлари бўйича фарқланувчи, шунингдек, қамровчи муҳити билан ажралиб турувчи бир қатор олтин маъданли формацияларни ажратган: каледон циклидаги олтин – кварцли формация (Мурунтов). Маъдан қамровчи формация – метавулканоген-сланец-карбонат-кремнийли [R₃], карбонат-кремний-метатерригенли (V-Є?), кремний-карбонатли-терригенли (Є₃-O₂); Маъдан қамровчи жинслар – метавулканоген ҳосилалар (P₂); кремний-вулканоген-терриген ҳосилалар (O₁-S₂); вулканоген-карбонатли-терриген жинслар (D₂-C₂); метавулканоген-кремнийли-карбонат-сланецли ҳосилалар (V-Є); герцин циклининг олтин-сульфидли формация (Даугиз, Асаукак, Омантой ва б.), маъдан қамровчи формация – кремний-карбонатли-терригенли (Є₃-O₂); терриген-полимиктли (O₃-S₁); карбонат-кремнийли-метатерригенли (V-Є); ва бошқалар.

Магматик омил. И.Х. Ҳамрабаев маълумотлари бўйича кўриб чиқиладиган ҳудуддаги олтин маъданли минераллашиш I- ва II- (диоритлар ва гранодиоритлар), баъзи ҳолларда III фазадаги (гранитлар) интрузияларининг кириб бориши билан боғлиқ.

З.А.Юдалевич томонидан Ауминзатау-Белтау маъдан майдонидаги интрузив комплексларни ўрганиш ишлари захқудуқ комплекси жинсларида литий, қалай, молибден, вольфрам, қўрғошин ва висмутнинг юқори

^{*2} Даугыз, Амантайтау, Высоковольтное, Аджибугут конлари Ю.И.Парамонова, Ю.Н.Зверева, «Рудные месторождения Узбекистана» материалларидан фойдаланилди.

миқдорлари аниқланди, шохетов лейкогранитлар комплекси жинсларида эса қалай, молибден ва борнинг юқори миқдорлари қайд этилган.

Структуравий омил. Тадқиқотлар кўрсатишича олтин маъданлашувни шаклланиши ва жойлашишида бурмаланиш дислокациялари ва узилма бузилишларнинг аҳамиятлари жуда катта. Турли йўналишлардаги узилмали бузилишлар ва уларнинг комбинациялари – региондаги маъданли майдонлар ва конларнинг шаклланишини назорат қилади.

Даугизтау кони. Даугизтау конининг ўзи Даугизтау ва Асаукак ёриқларининг кесишиш тугунларига тўғри келади ва Даугизтау антиклиналининг рахат қалин (бесапан свитаси) қатламни терриген ётқизикларидан ташкил топган жанубий қаноти ва меридианга яқин бўлган ўқ олди қисми доирасида жойлашган.

Конни геологик тузилишида иккита структуравий қаватлар иштирок этади: рохат (бесапан) қатламнинг учинчи свитаси ётқизикларидан иборат қуйи (C_3-O_2) ва юқори - мезокайнозой, платформавий.

Даугизтау конида олтин маъданлашишни белгиловчи асосий омил бўлиб, структуравий, магматик, литологик омиллар ҳисобланадилар. Структуравий омил маъданлашишни шимолий-шарқий ва шимолий-ғарбий йўналишдаги узилмаларнинг кесишиш тугунлари, эзилиш зоналари ва жадал майда бурмаланишлар билан назорат қилинишидан иборат. Магматик омил маъдан майдонини интрузив усти қисмида жойлашиши билан аниқланади. Литологик омил физик-кимёвий хоссалари бўйича олтин ва кумушли маъданлашиш учун қулай бўлган терриген қум-сланецли бесапан қатламининг мавжудлиги билан акс этади.

Амантайтау кони. Амантайтау кони кирувчи маъдан майдони биринчи тартибдаги регионал структуралар билан назорат қилиб борилади – бу жуда қалин (>1 км) эзилиш ва майдаланиш зоналаридир. Шимоли-шарқий йўналиш Амантайтау массиви жануброғидан ўтади, унинг узилиш тармоқлари тўпи (II-тартибдаги структуралар) ҳам шимоли-шарқий йўналишларда ва баъзан меридионал йўналишда бўлиб, бутун массивни кесиб ўтади. Унинг асосини биринчи тартибли структурадан шимол томонга V-симон тарқалувчи Альбитли ва Контрастний ёриқлари ташкил этади. Ю.И.Парамонов, Ю.Н.Зверев маълумотларига кўра олтин маъданли минераллашиш ушбу икки ёриқ билан чегараланади.

Кондаги ёриқлар турли ёшга таълуқли. Уларнинг энг ёши улуғи сланецлашиш билан монанд бўлишидан тик тушувчи, субмеридионалгача. Улар маъданли зоналарни назорат қилган ҳолда жинсларни кварцланиши ва серицитланиши билан бирга кечади. Энг ёши бўлиб, шимоли-шарқдан то субмеридионал йўналишда узоқ чўзилган, тик тушувчи ёриқлар ҳисобланади.

Высоковольт кони. Коннинг геологик тузилишида иккита структуравий қават иштирок этади: қуйи, бесапан қатлами учинчи свитасининг терриген ётқизикларидан тузилган (C_3-O_2) ҳамда юқори – мезокайнозойга доир.

Конда интрузив жинсларнинг очик чиқишлари аниқланмаган бўлиб, аэромагнит тасвирлаш маълумотларига кўра, улар 500м ва ундан ортик чуқурликда кутилади.

Тектоник тузилишлар Субширотное ёриғининг Даугизтау ва Жасавул ёриқларининг структуравий нисбатлари бўйича аниқланади. Субширотное ёриғи (ташлама–силжима) коннинг асосий маъданни назорат қилувчи структураси ҳисобланади.

Высоковольт кони йирик ҳисобланувчи Высоковольт – Даугизтау – Асаукак тектоник структураларнинг жануби-ғарбий қисмида жойлашган. Зонанинг кон доирасидаги узунлиги 3,5 км, қалинлиги – 400м га қадар. Кон ёй шаклга эга, бу эса Даугизтау ҳамда Субширотное ёриқларнинг кесишиш тугуни билан боғлиқ. Ёриқларни тутатиш тугунлари коннинг асосий маъдан уюмларини (7) морфологик хусусиятларини белгилайди: шимоли–шарқий йўналишдаги узилмалар ва суб кенглик йўналишидаги узилишлар, уларнинг кесишиш тугунлари.

Барча тадқиқотчиларни таъкидлашча маъданлашишнинг жойлашишини белгиловчи асосий омиллар: структуравий, магматик ва литологик омиллар ҳисобланади. Структуравий: шимоли-шарқий йўналишдаги (Асаукак, Марказий, Шимоли-Шарқий, Шимолий ва Субширотное) узилмалар (узилма-силжима, узилмалар), шимоли-ғарбий йўналишдаги бузилишлар (Шарқий Даугизтау ёриғи, Жасавул ва Жусали эзилиш зоналари); Магматик омиллар: маъдан майдонини сиенит-диорит-гранофирли жисмларнинг тахмин қилинадиган интрузив устки қисмида жойлашиши. Литологик омиллар: беапан свитасининг терриген кум-сланецли қатлами.

Аджибугут кони. Ушбу литогео-кимёвий тасвирлаш натижалари (А.А.Муровцев ва б.), мезозой-кайнозой ётқиқиқларининг филофи билан ёпилган Ауминзатау тепаликларининг шарқий чеккаларида, ғарб-шимоли-ғарбий йўналишида кенглиги 150 дан 800м гача бўлган, 2000м га чўзилган олтиннинг аномалияси чегараланган.

Ауминзатау структураси субкенглик бўйича йўналган герцин антиформаси кабидир. Антиформа ядроси тасқазган свитаси жинсларидан тузилган, чеккаларига беапан свитасини ётқиқиқларига тўғри келади. Кесим асосида тасқазган свитасини жинслари жойлашган (кремний-вулканоген-терригенли комплекс) бўлиб, улар устига беапан қатлами ҳосилалари (терриген комплекси) жойлашган. Маъдан тўпловчи қатлам куйи беапан свитасининг кварцли метаалевролитлари ва углерод-серицитли сланецлардан ташкил топган. Конда икки гуруҳга оид дайкалар ривожланган: биринчиси - нордон таркибли, маъданли зонада ва унинг ичида субпараллел жойлашувчи лейкократли аплитсимон гранит-порфирлардан иборат; иккинси - асосан маъданли зонага диагонал ва кўндаланг йўналган диоритли порфиритлар, диабазлар ва лампрофирлар.

Олтинли маъданлашиш, турли тартибдаги дислокация билан мураккаблашган ва ғарбдан (Ауминзатау) шарқ томон (Қолчиқтов) деярли 60

км га чўзилган, понасимон турдаги грабен-синклиналга тўғри келиши аниқланган. Кенглиги 2-3 км, узунлиги 25 км гача бўлган олтин маъданли Кўкпатос зонаси шимолдан қалин кремнийли пачкалар билан, жанубдан Ауминзатау гранитоидли интрузив билан чекланган.

Тўртинчи боб. «Олтин маъданли намоёнларининг геологик-структуравий позициялари» Кўплаб тадқиқотчиларнинг фикрлари бўйича геологик-структуравий позициялар масаласи моҳияти жиҳатидан, қамраб турган муҳитни, структуравий-тектоник элементларни, магматик ҳосилаларни ва бошқаларни инобатга олган ҳолда, маъданли майдонлар ва конларни геологик кенгликларда (маконда) жойлашиш хусусиятлари бўйича тизимлаштиришдан иборат. А.В.Королев, В.П.Федорчук, Ф.И.Вольфсон, Е.А.Некрасов, В.А.Королев, Х.А.Акбаров, Ю.С.Шихин ва бошқаларнинг кўплаб таснифларида асосий эътибор, маъданли объектлари структурасининг тури бўйича қуйидаги фарқланишга қаратилган: бурмаланган, узувчи, контактли, уйғунлашган. Бунинг замирида маъдан майдонлари ва конлари шаклланишини назорат қилувчи структуравий-тектоник омил ётади:

Позицияларни В.А.Королев, Х.А.Акбаров, Н.А.Никифоров, В.П.Федорчук ва б. маълумотлари бўйича тизимлаштириш вазифаси – майдонларни районлаштиришга ва бир турдаги тектоник режимга эга бўлган участкаларни ажратишга имкон берувчи структуравий элементларни аниқлашдан иборат.

Марказий Қизилқумдаги маъдан майдонлари ва конлари структураларини ўрганиш билан ўз вақтида бир қанча тадқиқотчилар шуғулланганлар. Уларнинг тадқиқотлари олтин маъданлашишнинг жойлашишини назорат қилувчи структуравий омилларни аниқлаш билан яқунланган. Шунини таъкидлаш лозимки, регионда олиб борилган кенг кўламдаги структуравий тадқиқотларга қарамай, ўрганилаётган объектлар структураларнинг маъданни назорат қилувчи ролини баҳолашга доир ягона ёндашув мавжуд эмас.

С.Т.Марипованинг маълумотлари бўйича Тамдитауда олтин кони шаклланишини назорат қилувчи қуйидаги структуралар ажратилган: шимоли-шарқий йўналишдаги кўп ўқли мураккаб ёриқлар; шимоли-ғарбий йўналишдаги мураккаб ёриқ зонаси, шимоли-шарқий ва шимоли-ғарбий йўналишлардаги оддий бир ўқли ёриқлар; субкенглик бўйича йўналган бир ўқли оддий ёриқ; мураккаб ёриқ тармоқлари; ёриқлар кесишмаси.

Т.Ш. Шаякубов маълумотларни талқин этиш, олтин маъданлашишнинг шаклланиши ва жойлашишини назорат қилувчи структураларни ажратишга имкон берди. Кўпгина конлар шимоли-ғарбий, субкенглик, субмеридианга оид ёриқлар ва уларнинг туташини тугунлари тармоқлари таъсири остида шаклланган.

Кейинги йилларда Ауминзатау-Белтау маъдан майдонининг геологик, структуравий-тектоник тузилишлари ва металлогениясининг янги жиҳатларини акс эттирувчи бир қатор ишлар эълон қилинган (Б.О.Жонибеков, Х.А.Омонов ва б.).

Бизнинг тадқиқотларимиз қамровчи жинсларга ва уларнинг бир хил бўлмаган узилмалли структуралар билан боғлиқ бўлган позицияларни ажратишга ва уларни ўрганишга қаратилди.

Белтаудаги олтин намоёнлари, ер пўсти структуравий элементларининг кенг диапозонда таъсир кўрсатиши билан шаклланган. Структуравий позицияларни ажратиш, маъданли объектларни шаклланишида узилмавий тектониканинг ихтисослаштирувчи ролига асосланган. Маъданни назорат қилувчи ёриқларнинг хусусиятларини, уларнинг морфологиясини, маконда тутган ўрнини, ўзаро алоқасини ва маъданлашишга нисбатан муносабатларининг таҳлили, улар доирасида еттита структуравий позицияларни ажратишга имкон берди: шимоли-шарқий ёриқлар зоналарида, шимоли-ғарбий ёриқлар зоналарида, ёриқларнинг эгилиш зоналарида, ёриқларнинг кесишиш зоналарида; синиш зоналарида; субпараллел ёриқлар зоналарида ва понасимон структуралар зоналарида. Белтаудаги барча олтин намоёнлари мана шу позицияларда шаклланган.

Олтин намоёнларининг энг катта миқдорлари (олтин маъданли объектлар 40%) понасимон структуралар билан боғлиқ. Понасимон структураларни асосий геодинамик хусусияти бўлиб, сиқилишнинг тектоник кучланишлари чоғида уларни ёриб (понасимон) кириши хисобланади. Понанинг кучланганлиги ва деформацияси узилиш дарзликларини, дарзлашиш зоналарини, чегараловчи ёриқлар бўйлаб бўшлиқларни шаклланишига ёрдам беради. Ф.И.Вольфсон, Е.А.Некрасов, В.А.Королев В.П.Федорчук, Х.А.Акбаров, М.Умарходжаев ва бошқаларнинг Ўрта Осиёнинг эндоген маъдан майдонлари ва конларининг шаклланиш қонуниятларини ўрганиш бўйича маълумотларини таҳлили шуни кўрсатадики, маъдан объектларининг понасимон структурадаги позициялари жуда турлича, бироқ, маъдан объектлари кўпроқ понанинг чегара структуралари туташган зонада шаклланади.

Ўрганилаётган майдондаги биз ажратган понасимон структураларда маъданли объектларнинг позициялари турлича. Понасимон структуранинг айнан битта участкасида жойлашган иккита объект мавжуд эмас. Ваҳоланки, Белтаунинг бутун майдони регионал тектоник жараёнлар таъсири остида бўлган. Маъданли объектларни понасимон структураларнинг турли участкаларга тўғри келиши, улар турлича тектоник ҳолатларда бўлганлигини кўрсатади. Чегаравий ёриқларни фаоллиги ва понасимон структураларни ёриб кириши биринчи навбатда уларнинг кучланган-деформацияланган ҳолатида ва ички геодинамик вазиятларида акс этади.

Тадқиқотларнинг кўрсатишича, Ауминзатау-Белтау маъдан майдонидаги барча маъдан ҳосил бўлиш жараёни регионал геодинамик вазият – фониди кечган. Регионал тектоник жараёнлар Ауминзатау ва Белтау блокларининг чегаравий структураларнинг фаоллашувини (Ауминзатау; Белтау жанубидаги структуравий-формацион зоналарни чегараловчи ёриқ, кўндаланг, шимоли-шарқий йўналишдаги чуқур ёриқлар) юзага келтирган, улар эса блоklar ичида шимоли-шарқий, меридионал ёриқларни ҳаракатланишига ёрдам

берган. Шундай қилиб, маъдан ҳосил бўлиш жараёнларида шимоли-шарқий, меридионал ёриқлар ташқи тектоник ва геодинамик омиллар таъсирида бўлган.

Айнан шундай участкаларда майдонининг кўпгина олтин маъданли конлари ва маъдан намоёнлари шаклланган. Шу сабабли биз ушбу участкаларни, маъдан майдонининг олтин маъданли объектлари шаклланиши учун қулай структуравий геодинамик позициялар деб ҳисоблаймиз.

Белтаунинг маъдан ҳосил бўлишгача ва шаклланиши вақтидаги геодинамикасининг асосий хусусиятларидан бири бўлиб, Даугизтау субмеридионал чуқур ёриғини шимоли-шарқий маъдан назорат қилувчи структуралар (Асаукак) билан туташиб участкаларида бўшлиқлар зонасини шаклланиши ҳисобланади. Бўшлиқлар зонасининг шаклланиши понасимон блокни (структурани) жануби-ғарбга силжиши билан боғлиқ. Натижада, понани чегаравий ёриқларнинг туташиб участкаларида бўшлиқлар ҳосил бўлган, улар эса ўз навбатида, Даугизтау, Асаукак ва Високовольт (шимолий участкаси) конларининг шаклланиши учун структуравий ва геодинамик позициялар ҳисобланади.

Ауминзатаудаги олтин намоёнининг геологик-структуравий позициясини кўриб чиққан ҳолда таъкидлаш лозимки, улардаги маъданлаштиришнинг шаклланиш ва жойлашиш шароитлари Белтаудагилардан фарқ қилади. Ауминзатауда структуравий позициялар; ёриқларнинг кесишиш ва туташиб участкалари; шимоли-шарқий ва шимоли-ғарбий ёриқлар билан боғланган позициялар; литологик жиҳатдан турлича бўлган жинслар орасида тектоник контактли зоналар ажратилган. Ушбу позицияларда Ауминзатау олтин намоёнларининг 50% яқини жойлашган. Ёриқларнинг бирикиши туташиб ва кесишиш участкаларини, понасимон структураларни шакллантирган ва айнан уларга Ауминзатаунинг 45% олтин намоёнлари тўғри келади. Олтин маъдани пайдо бўлишини назорат қилиш жараёнида понасимон структураларнинг устунлик қилиши яққол кўринади.

Понасимон структураларнинг бундай хусусиятларини юзага келиши, фақат узилмалли бузилишлар фаоллашувини келтириб чиқарган деформация ва геодинамик режим билан боғлиқ. Ушбу жараёнлар, улар литологик таркиби ва уларнинг физик-механик хоссалари билан биргаликда маъдан қамровчи жинсларнинг ўтказувчанлигини оширган ҳолда, янги тектоник элементларни ҳосил қилиши мумкин.

Бешинчи боб. «Маъдан ҳосил бўлиши ва структуравий позициялар шаклланишининг геодинамик муҳити» Янги маъданли объектларни башорат қилиш мақсадида Марказий Қизилқумнинг олтин маъданли минераллаштиришлар намоён бўлган ва уларни маъдан назорат қилувчи структураларини ўрганиш бўйича И.Х.Хамрабаев, Л.П.Зоненшайн, Т.Н.Далимов, П.А.Мухин, Ю.С.Савчук, Р.Х.Миркамалов ва б. материалларни таҳлил қилиш қуйидагиларни аниқлаш имконини берди: регионнинг бутун ҳудуди металлогениянинг герцин эпоҳасида литосфера плиталари тектоникаси билан боғланган тектоник сиқилишлар остида

бўлган; бундай тектоник вазият кўплаб олтин маъданли тугунлар, маъданли майдонлар ва конлар учун тавсифли; маъданли майдонлар ва конларнинг ҳамда кучланган – деформацияланган ва геодинамик ҳолати комплекс тарзда аниқланади: бир томондан ташқи тектоник кучлар таъсир кўрсатганлиги билан, бошқа томондан эса – объектнинг тектоник элементларининг тўридаги позицияси ва унинг структуравий-тектоник тузилиши билан. Ушбу омиллар, қамровчи геологик ҳосилаларнинг ўзига хос литологик-петрографик хусусиятлари билан бирга замон ва макон бўйича доимий таъсири остида бўладилар.

Шимолий-шарқий ёриқлар тизимининг фаоллиги тектоник блокларнинг силжишини келтириб чиқарган ҳисобланади. Понасимон структурали блокларнинг силжиши шимоли-шарқий ёриқларни Даугизтау структураси билан туташиб участкаларида бўшлиқларни шакллантирган. Тектоник кучланишлар энергиясининг озод бўлиши билан юзага келган бўлиб, у жинсларнинг дарзланиши, дарзликлар зонасини ва дарзликлар узилмалари ва ш.к. ҳосил бўлганлигида кузатилади. Буларнинг барчаси геодинамиканинг натижасидир. Маъданни назорат қилувчи ушбу ёриқлар участкалари олтин маъданлаштирилган намоеън бўлишига, жойлаштиришга қулай структуравий позиция ҳисобланади.

Ауминзатау учун бошқа геодинамик вазиятлар тавсифли. Бу ердаги геодинамик вазият ташлама узилма - сурилма тавсифдаги шимоли-ғарбий ёриқларнинг фаоллиги билан ифодаланади. Шимоли-ғарбий ёриқларнинг бундай динамикаси нафақат ташқи тектоник кучларнинг таъсири, балки Ауминзатаунинг регионал структуралар тўридаги позицияси сабабчидир. А.К.Бухариннинг маълумотларига кўра Ауминзатау ўзининг жанубий қисми билан структуравий-формацион зона: Марказий Қизилқум ва Зарафшон кичик зонасини ажратиб турувчи чегараловчи ёриққа тўғри келади. Р.Х.Миркамалов ва б. геодинамика схемасидаги структура-формацион зоналарнинг ушбу чегараловчи ёриғи коллизион турдаги Ауминза-Қолчиқтов регионал маъданни назорат қилувчи структурага мос келади. Афтидан ушбу регионал маъданни назорат қилувчи ёриқнинг фаоллик динамикаси (кучи) маълум бир даражада Ауминзатаудаги маъдан ҳосил бўлиш жараёнида, йирик шимоли-ғарбий ёриқлар бўйича тик-горизонтал ҳаракатланишни келтириб чиқарган ҳолда геодинамиканинг шаклланишига таъсир кўрсатган. Ушбу жараёнлар Ауминзатау геодинамикасининг муҳим хусусиятини – грабенсимон структурасини ва блоклар шаклланишини белгилаб берган.

Геодинамиканинг маконда ўзгаришига асосий сабаб бўлиб, узилмали бузилишлар тизими ва блокли тузилишлар ҳисобланади. Уларнинг маъдан ҳосил бўлиши асосан қуйидагилар ҳисобланади:

-структурани, ташқи тектоник кучлар йўналишига нисбатан макондаги ўрни;

- ёриқ морфологияси, у фаол бўлганда бўшлиқлар ҳосил бўлишига ёрдам беради, бу эса маъдан тўпланиши учун қулай структуравий позициялар шаклланишига олиб келади;

- блоклар морфологияси, айниқса понасимон шаклдаги, улар ташқи кучлар таъсирида чегаравий ёриқлар туташмалари ва кесишмалари участкаларда бўшлиқларни шакллантирган ҳолда кириб боради.

Ушбу далилларнинг барчаси Ауминзатау-Белтау маъдан майдонида олтин маъданли минераллашиш намоён бўлиши учун қулай бўлган турли геологик-структуравий позицияларни белгилаб берди.

Олтинчи боб. Ауминзатау – Белтау маъдан майдонини олтинга оид башорат қилиш-излаш мезонлари ва истиқболлари. Ўзбекистон минерал – хом ашё базасини кенгайтиришнинг долзарб муаммоларини муваффиқиятли ҳал қилиш кўпгина омилларга боғлиқ, уларнинг энг муҳими бўлиб, башорат қилишга оид тадқиқотлар ва улар асосида олиб бориладиган излаш ишлари ҳисобланади.

Башорат қилиш илмининг дастлабки босқичидаёқ Д.В.Рундквист, Е.А.Марков, Б.М.Михайлов ва б. томонидан башорат қилиш ишларини ўтказишда қуйидаги саволларга жавоб бериш лозимлигини қайд этган: 1. Қайси геологик кузатувлар натижалари, далиллар алоҳида эътиборга молик ва махсус ўрганишни талаб қилади; 2. Худуднинг истиқболини баҳолаш босқичида олинган геологик маълумотларни таҳлил қилишда башорат қилишнинг қайси мезонлари олинади ва қандай кетма-кетликда қўлланилади.

Марказий Қизилқумни башорат қилишга доир тадқиқотлар ва башоратга оид баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш билан ўз вақтида кўплаб тадқиқотчилар шуғулланган. Уларнинг тадқиқотлари қуйидагиларни ўрганишга асосланган: олтин маъданли майдонлар ва конларнинг шаклланиш қонунларини; уларда маъданлашишларни жойлашиши; маъданларнинг минералогик таркиби ва геокимёвий хусусиятларини; маъданлашиш жойлашишининг геологик-структуравий шарт-шароитларини. Регионал ва локал башорат қилиш-излаш мезонлари ишлаб чиқилган бўлиб, бунда литологик-стратиграфик, структуравий-тектоник ва магматик мезонлар асосий ўринда туради.

Олтин маъданли объектларнинг ўрганилган позицияларининг ўзига хос муҳим хусусияти бўлиб, морфологик жиҳатдан фарқ қилувчи узилмали структураларнинг турли тизимларининг мавжудлиги ва уларнинг маълум бир геодинамик вазиятларда ва камровчи муҳитнинг кучланиш-деформацияланиш ҳолатида (жинсларнинг майдаланиши, дарзлашиши, қирраларни бир оз очилиши ва ш.к.), маъданли флюидларнинг циркуляцияси ва уларда кимёвий элементлар ётқизилиши учун қулай бўлган шароитларни ҳосил қилувчи бирикмаси ҳисобланади.

Бизнинг тадқиқотларимиз олтин конлари ва маъдан намоёнлари шаклланган локал геологик-структуравий позицияларни аниқлаш ва ўрганишга қаратилган эди. Бундан кўзланган мақсад, тадқиқот натижаларидан Ауминзатау-Белтау маъданли майдонида ўхшаш объектларни башоратга оид баҳолаш ва излаш омиллари сифатида фойдаланиш эди.

Башорат қилиш ва қидирув ишларида қуйидаги мезонлардан фойдаланиш тавсия этилади: литологик, структуравий ва магматик.

Ауминзатау доирасида, ушбу мезонлардан фойдаланган ҳолда, ўхшашликлар усули билан тўртта, Бельтауда бешта истиқболли структуравий позициялар ажратилди.

Позиция	Асосланган ҳолда позицияларни белгилаш			Позицияларнинг тавсифи		
	Литологик	Структуравий	Магматик	Литологик	Структуравий	
	2	3	1	2	3	8
Ауминзатау						
Позиция 1	Маъдан камровчи бесапан свитасини S_1 bs_4 ва O_3 S_1 bs_3 мавжудлиги	Узункудукни назоратловчи шимоли-ғарбий ёриқни давоми, структуравий-формацион зоналарни чегараловчи ёриқлар	Позициядан ғарбда Узункудук олтин намоеъни жойлашган	Бесапан свитасини терриген хосилалари	Маъдан назоратловчи шимоли-ғарбий ёриқни мавжудлиги; структуравий-формацион зоналар; понасимон структура	
Позиция 2	Маъдан камровчи бесапан свитасини ($O_{1,2}$ bs_1) мавжудлиги	Ш.Шохитов намоеъни назоратловчи шимоли-ғарбий ёриқни шаркдаги давоми	Позициядан ғарбда Ш.Шохитов намоеъни жойлашган	Бесапан свитасини терриген хосилалари	Пона ҳосил қилиш билан уни шимоли-ғарбий ёриқ структураси билан туташиларида маъдан шаклантирувчи шимоли-ғарбий ёриқни мавжудлиги	
Позиция 3	Маъдани камровчи бесапан свитаси учинчи пачкасини (O_3 S_3 bs_3) мавжудлиги	Шимоли-ғарбий ёриқ; структуравий формацион зоналарни чегараловчи ёриқ		Бесапан свитаси учинчи пачкасини (O_3 S_3 bs_3) хосилалари	Пона ҳосил қилиш билан шимоли-ғарбий ёриқни уни структуравий-формацион зоналарни чегараловчи структураси билан туташиларида	
Позиция 4	Маъдан камровчи бесапан свитасини ($O_{2,3}$ bs_2) мавжудлиги	Структуравий формацион зоналарни чегараловчи шимоли-ғарбий маъдан назоратловчи ШҒ ёриқ	Бесапан свитасини маъдан камровчи хосилалари	Маъдан назоратловчи шимоли-ғарбий ёриқ структуравий формацион зоналар чегараловчи ёриқлар билан туташади, катта понасимон структурани ҳосил қилади.	Катта понасимон структураларда олтин намоеънлари: Аджибугут; Давон; Ж.Давон; Шаркий-Ауминзатау	
Бельтау						
Позиция 5	Маъдан камровчи бесапан свитасини ($O_{2,3}$ bs_2) мавжудлиги	Туташиш ёриқлари зонасида маъдан назоратловчи шимоли-ғарбий ва шимоли-шаркий ёриқлар	Позициядан шимолий-ғарбдан Шимоли-Ғарбий ёриқ билан назоратланувчи Ялпизтов жойлашган	Бесапан свитасини хосилалари	Шимолий-Ғарбий ва Шимолий-Шаркий ёриқлар, уларни кесишиш участкалари	
Позиция 6	Тазказган свитаси хосилалари	шимоли-ғарбий маъдан назоратловчи ёриқлар системаси	Позициядан ғарбда олтин намоеъни жойлашган. У ажратилган майдонни маркази бўйлаб жанубий-шаркий йўналишда ўтувчи шимоли-шаркий ёриқ билан назоратланади	Тазказган свитаси хосилалари	Субпараллел Шимолий-Ғарбий ёриқлар системаси	
Позиция 7	Бесапан свитаси ва S_1 bs_4 маъдан камровчи хосилаларни мавжудлиги	Маъдан назоратловчи шимоли-ғарбий ёриқ, кенглик ёриғи	Позициядан ғарбда субпараллел кенглик ёриқларнинг шимоли-ғарбий зонасига тегишли Жанубий олтин намоеъни жойлашган.	Бесапан свитасини маъдан камровчи хосилалари bs_4	Понасимон структурани ҳосил қилувчи шимоли-ғарбий ва кенглик ёриқларни мавжудлиги	
Позиция 8	Бесапан свитаси ва S_1 bs_4 маъдан камровчи хосилаларни мавжудлиги	Маъдан назоратловчи Шимолий-Ғарбий ёриқлар системаси	Позициянинг шимолида шимолий-шаркий ёриқлари билан бошқариладиган Сарибатир ва Тазказган олтин намоеънлари мавжуд	Позиция шимолида Сариботир ва Тазказган олтин намоеънлари жойлашган. Улар ажратилган позицияда понасимон структураларни чегараловчи элементлари бўлган ШҒ ёриқ билан назоратланадилар.	Маъдан назоратловчи шимоли-ғарбий ёриқларни, уларнинг туташиш зоналарини, понасимон структуралар ҳосил бўлишини мавжудлиги.	
Позиция 9	Маъдан камровчи бесапан свитасини O_3 S_1 (?) bs_3 мавжудлиги	Маъдан назоратловчи Шимолий-Шаркий Шимолий-Ғарбий ёриқлар системаси	Бу позиция шимолий-шарқда бўлган Тумшуктов (Ag), Шаркий Қорасой структуравий позициялари билан ўхшаш.	Бесапан свитаси хосилалари, маъдан камровчи	Туташиш тугунларини ҳосил қилиш билан шимоли-шаркий ёриқларни, жанубида шимоли-ғарбий ёриқларни мавжудлиги	

ХУЛОСА

Ўтказилган Ауминзатау-Белтау маъдан майдонидаги олтин маъданлашувлар жойлашишларининг геологик-структуравий шароитларини ва уларни структуравий позицияларини диссертацияга хос тадқиқотлари асосидаги асосий натижалар қуйидагиларда жамланган:

1. Олтин маъданлашувларнинг шаклланишлари ва жойлашишларини геологик-структуравий ўрганиш асосида уларни назоратловчи асосий омиллар ойдинлаштирилди. Қулай позицияларни шаклланишлари боғлиқ бўлган структуравий омиллар, маъдан ётқизилиши жараёнида асосий бош ролни ўйнайди.

2. Геологик кенгликларда олтин маъданлашувини жойлашишлари ёрувчи бузилишлар билан, ҳамда уларни туташилар, кесишишлар, тармоқланишлар шаклида ифодаланган бирикмалари билан аниқланди.

3. Маъдан майдонидаги барча конлар ва маъдан намоёнлари учун уларнинг геологик-структуравий позициялари аниқланди. Уларнинг морфологиясини, кенгликларда жойлашишларини ва маъданлашув билан ўзаро муносабатларини таҳлили олтин маъданли майдонидаги барча намоёнларни назоратловчи етита позицияларни (Шимолий-ғарбий ва шимолий-шарқий ёриқларда; ёриқларни кесишиши ва туташилиши, уларни тармоқланиши зоналарида; жуфт ёриқларда; понасимон структураларда) ажратишга имкон берди.

4. Уларнинг геологик-структуравий позициялари асосида, маъданлашув шаклланиши ва жойлашишларини геофизик ва тектонофизик шароитлари бўйича маълумотларни жалб қилган ҳолда, олтиннинг олтин маъданли конларини тизмлаштириш ўтказилди.

5. Геологик-структуравий позициялар негизида Ауминзатау-Белтау маъдан майдонидаги олтин намоёнларини башоратлаш ва излаш мезонлари ишлаб чиқилди. Ажратилган структуравий позициялар олтин маъданлашувни топилишига қулай.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.24/30.10.2020.GM.125.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ИНСТИТУТЕ ГЕОЛОГИИ И
ГЕОФИЗИКИ ИМ. Х.М.АБДУЛЛАЕВА**

НАЦИОНАЛЬНЫЙ УНИВЕРСИТЕТ УЗБЕКИСТАНА

ФАТХУЛЛАЕВА ЗИЛОЛА МАМИРЖАНОВНА

**ГЕОДИНАМИЧЕСКАЯ ОБСТАНОВКА ФОРМИРОВАНИЯ ГЕОЛОГО-
СТРУКТУРНЫХ ПОЗИЦИИ ЗОЛОТОРУДНЫХ ПРОЯВЛЕНИЙ
АУМИНЗАТАУ-БЕЛЬТАУСКОГО РУДНОГО РАЙОНА**

04.00.03 – Геотектоника и геодинамика. Петрология и литология

**АВТОРЕФЕРАТ
диссертации доктора философии (phd)
ПО ГЕОЛОГО-МИНЕРАЛОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2022

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером B2021.2.PhD/GM94

Диссертация выполнена в Национальном Университете Узбекистана.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного Совета www.ingeo.uz и на Информационно-образовательном портале «Ziynet» по адресу (www.ziynet.uz).

Научный руководитель: **Турапов Мирали Камолович**
доктор геолого-минералогических наук, профессор

Официальные оппоненты: **Ахунджанов Рахмаджон**
доктор геолого-минералогических наук

Жураев Мехрож Нуриллаевич
доктор философии (PhD) по геолого-минералогическим наукам

Ведущая организация: **ГУП «Регионалгеология»**

Защита диссертации состоится «17» марта 2022 года в «10⁰⁰» часов на заседании Научного совета DSc.24/30.10.2020.GM.125.01 при Институте геологии и геофизики имени Х.М.Абдуллаева (Адрес: 100041, г. Ташкент, ул. Олимлар, 64. Тел.: (99871) 241-88-67; факс: (99871) 262-63-81; e-mail: ingeo@exat.uz)

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Института геологии и геофизики имени Х.М.Абдуллаева (регистрационный номер №5). Адрес: 100041, г.Ташкент, ул. Олимлар, 64. Тел.: (99871) 241-88-67

Автореферат диссертации разослан «7» марта 2022 года.

(реестр протокола рассылки № 5 от «7» марта 2022 года).

А.К. Нурходжаев
Председатель Научного совета по
присуждению ученых степеней, д.г.-м.н.

Э.М. Амиров
Ученый секретарь Научного совета по
присуждению ученых степеней, д.ф.г.-м.н.(PhD)

У.Д. Мамарозиков
Председатель научного семинара при Научном
совете по присуждению ученых степеней, д.г.-м.н.

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В современной мировой практике геологических исследований важное место занимают исследования закономерностей формирования месторождений и условий размещения эндогенного оруденения с целью расширения минерально-сырьевой базы. В развитых странах для решения научной задачи проводится комплексный анализ структурно-тектонических и геодинамических процессов, влияющих на размещение и формирование эндогенных месторождений, результаты которых служат научной основой для выявления новых перспективных площадей.

В мире проводятся целенаправленные исследования по определению геологических условий размещения рудных месторождений на основе геодинамического, тектонофизического моделирования с целью выявления закономерностей при разведке и прогнозировании месторождений золота и других типов. В частности, научные подходы к геологоразведке путем сопоставления геолого-тектонических и геодинамических условий формирования месторождений полезных ископаемых с аномалиями геохимических и геофизических полей особое внимание уделяется повысить эффективность поисков и разведки перспективных участков и оценить их рудоносность.

В нашей стране особое внимание уделяется изучению геолого-структурных позиций месторождений, что позволяет более эффективно проводить прогнозирование и поиски, и в этом отношении достигнуты определенные успехи, в том числе по увеличению запасов месторождений Центральных Кызылкумов и Чаткало-Кураминского региона. Стратегией действий Республики Узбекистан определены меры по "ускоренному социально-экономическому развитию, повышению уровня жизни и реальных доходов населения, обеспечению комплексного и эффективного использования природного и минерально-сырьевого потенциала отдельных регионов". В связи с этим важным является проведение научных исследований, направленных на определение геодинамических условий формирования геолого-структурных позиций проявлений золота.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных Указом¹ Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 г. №УП-4947 «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», Постановлением Президента от 24 мая 2017 г. № ПП-3004 «О мерах по созданию единой геологической службы в системе Государственного комитета Республики Узбекистан по геологии и минеральным ресурсам» и от 1 марта 2018 г. №ПП-3578 «О мерах по коренному совершенствованию деятельности Государственного комитета Республики Узбекистан по геологии и

